

Жорий таъмирлашга оид шартнома

Лот№103385.17.06.2022й

2022 й. «08» июнь

№18/06

Пахтаки тумани

Пахтаки туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари Н.Эшонқуцов номидан, иккинчи томондан Рубин Кармана МЧЖ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида раҳбари С.Фармонов номидан мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи» нинг буюртмасига ва тузилган лойиха смета хужжатларига асосан 4к-562 М-37 а/й дан Султонобод-Абдуамин қ кириш а/й нинг 0-14 км жорий таъмирлаш ишлари (кейинги ўринларда - «Ишлар» деб юритилади) ишларини бажариш, «Буюртмачи» ушбу «Ишлар» ни қабул килиш ва қўйматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Ишлар» нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркиби қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич Нархи	Шартноманинг умумий Қиймати (битим суммаси)
1	4к-562 М-37 а/й дан Султонобод-Абдуамин қ кириш а/й нинг 0-14 км жорий таъмирлаш ишлари	605261526	587998450
Жами (КҚС билан)			

1.2. Шартноманинг умумий суммаси КҚС билан 158447623 (беш юз саксон етти миллион тўқиз юз тўқсон саккиз минг) сўмни ташкил этади.

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: **Бошланиши: “18” 06 2022 й.**

Тугаши: “05” 08 2022 й.

2. ТОМОНЛАРНИНГХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи» нинг хуқуқлари:

2.1.1. «Бажарувчи» дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. «Бажарувчи» дан «Ишлар» «Буюртмачи» нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. «Бажарувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуксон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Ишлар» кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» шунга ўхшаш «Ишлар» билан алмаштирилишини;

- «Ишлар» нинг камчиликлари белуп бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчى шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Бажарувчи» дан талаб қилиш.

2.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» қўйидаги хуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган «Ишлар» учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган «Ишлар» ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қўйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» га «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган кунинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар «Ишлар» ни бажариш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишига йўл қўйган бўлса, «Буюртмачи» нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

2.5.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи»га бажарилган ишлари сифатига 1 (бир) йил мобайнида жавобгарликни томонлар ўртасидаги шартноманинг 2.5.1-банти орқали ўз зиммасига олади.

2.5.2. «Бажарувчи» бажарилган ишларни лаборатория хulosаларини ўз ҳисобидан амалга ошириб «Буюртмачи» га тақдим етади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси КҶС билан беш юз саксон етти миллион тўққиз юз тўқсон саккиз минг ёсум нобуджет маблаглари ҳисобидан копланади. Бажариладиган «Ишлар» нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Кўрсатилган «Ишлар» учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. Бажариладиган «Ишлар» учун олдиндан тўлов миқдори 30% ни ташкил қиласди, қолган 70% бажариладиган «Ишлар» бош «Буюртмачи» томонидан «Буюртмачи»га ҳисоб-китоб қилингандан кейин 30 кун ичига қабул қилиш-топшириш далолатномаси(форма-2,форма-3), ҳисоб-фактура ва в.б. асосида «Бажарувчи»га тўланади.

3.4. «Бажарувчи» томонидан бажарилган ишлар кийматидан «Буюртмачи» 2,5% (Ген услуга) миқдорида маблаг саклаб колинади

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласада шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Ишлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган «Ишлар»ни қабул қилиши рад этишга ҳақлини.

4.5. Назарда тутилган хажмдан ортиқча бир номда «Ишлар» кўрсатилиши ушбу ассортиментга киравчи бошқа номдаги кўрсатилмаган «Ишлар» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган «Ишлар»нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Ишлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган «Ишлар» бевосита «Буюртмачи»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган «Ишлар» хажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган «Ишлар» кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи»нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома «Ишлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда «Бажарувчи»нинг ходими «Буюртмачи»да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилингандиги тўғрисида белги кўяди.

4.8. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Ишлар»нинг тегишли қисмла кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлини, бу ҳақда «Бажарувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қиласди.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган «Ишлар» сифати, хажми «Бажарувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Бажарувчи» бажарилаётган «Ишлар»нинг сифатини, шунингдек уларнинг хажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қиласди, ҳисоблаб чикилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган «Ишлар»нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбор томони кўрсатилган, сифати зарур дараҷада бўлмаган «Ишлар» қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. «Ишлар» кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган «Ишлар»нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, «Бажарувчи» «Буюртмачи»га «Ишлар» бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечикирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пена тўлайди, бироқ бундан пениянинг умумий суммаси бажарилмаган «Ишлар» қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пена тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Ишлар» бажариш муддати кечикирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган «Ишлар» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи»га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи микдорида маҳсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бирок бу кечикирилган тўлов суммасининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. «Буюртмачи» томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюртмачи»ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Буюртмачи» томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи»нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. «Бажарувчи»нинг айби билан контрактация шартномасининг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юкори деб топилган тақдирда уртадаги фарк «Ишлар» бажарувчи томонида қопланади

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий оғатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

6.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли хужжатдир.

6.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

6.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 6 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичидаги бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

7. АЛОХИДА ШАРТЛАР

7.1. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (Иккى) нусхада тузилди.

7.2 Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал килади.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тутатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чикувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисадий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«Буюртмачи»

Пахтачи ТЙФУК

Пахтачи туман Боголони МФЙ

Телефон +998942222005

Х.Р 20210000500437453001

«ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ» Самарканд

МФО 00278 ИНН 200769270

ОКОНХ _____

Директор

Н.Эшонқулов

Юрист

О.Пардаев



«Бажарувчи»

Рубин-Кармана МЧЖ

Кармана туман Али Кушчи 27

Телефон 22 5 94 94, 5019000

Х. Р. 20208000404782260001

АТ «Алокабанк» Навои филиали

МФО 01007 ИНН 301209820

ОКОНХ 61110



С.Фармонов.

Директор